БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 145 (16.835). | 24 июнь 1977 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Франция Республикаси Президенти Б. Жискар д' Эстэннинг таклифига биноан 1977 йилнинг 20 июнидан 22 июнига қадар расмий визит билан Францияда бўлди.

Рамбуйеда бўлиб ўтган суҳбатларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, СССР граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, СССРнинг Франциядаги элчиси С. В. Червоненко, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, ТАССнинг бош директори Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Ю. В. Дубинин:

Франция томонидан — бош министр, экономика ва молия министри Р. Барр, ташқи ишлар министри Л. де Гиренго, экономика ва молия масалалари бўйича министр — делегат Р. Бурлен, ташқи савдо министри А. Росси, Президент маҳкамасининг бош секретари Ж. Франсуа-Понсе, Франциянинг СССРдаги элчиси Б. де Лесе, Президент ҳузуридаги алоҳида топшириқлар бўйича ёрдамчи Ж. -Ф. Лека, Президент маҳкамасининг маслаҳатчиси Ж. -П. Дюте, Президент маҳкамасининг маслаҳатчиси Г. Робен, экономика ва молия министрлиги ташқи иқтисодий алоқалар бошқармасининг директори Б. Ларрера де Морель, ташқи ишлар министрлиги иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича департамент директори А. Фроман-Мерис, ташқи ишлар министрлиги Европа бўлимининг мудири Ж. Андреани қатнашдилар.

Бу суҳбатлар ҳар иккала мамлакат ўртасида мавжуд ва ўн йилдан ортиқроқ ҳамкорлик мобайнида шаклланиб келган дўстона муносабатлар ва тарихий алоқаларга хос бўлган ғоят саммийлик вазиятида ўтди. Бу суҳбатлар энг муҳим халқаро проблемалар юзасидан, шунингдек Совет—Франция муносабатлари масалалари юзасидан фойдали ва чуқур фикрлашиб олиш имкониятини берди.

Л. И. Брежнев ва В. Жискар д' Эстэн кейинги вақтларда Совет — Франция ҳамкорлиги йўлида муҳим босқич бўлиб қолган ҳужжатларнинг аҳамиятини, жумладан, 1966 йилги Совет—Франция Декларациясининг, 1970 йилги сиёсий маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протоколнинг, 1971 йилги СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик принципларининг ва дўстлик ҳамда ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида 1975 йилги Декларациянинг аҳамиятини яна бир бор қайд этдилар. Улар СССР билан Франция ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ҳар иккала мамлакат ташқи сиёсатининг муҳим ва доимий таркибий қисми бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деб таъкидлайдилар.

Томонлар барча соҳаларда ҳамкорликни ана шу ҳужжатлар руҳида давом эттириш ва кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш ҳамда чуқурлаштириш ишига биргаликда ҳисса қўшишга бўлган интилишларини ҳам таъкидлайдилар. Шу билан улар халқаро муносабатларда кескинликни юмшатишни жадаллаштиришга, шу жараённи конкрет моддий мазмун билан бойитишга кўмаклашиш ниятида эканликларини изҳор қиладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ва Франция Президенти музокаралар якунида алоҳида ҳужжат — халқаро кескинликни юмшатиш тўғрисидаги Совет—Франция қўшма баёнотида Совет Иттифоқи билан Франциянинг кескинликни юмшатиш сиёсатига асосий содиқлигини эълон қилдилар.

ХАЛҚАРО ПРОБЛЕМАЛАР

Л. И. Брежнев ва В. Жискар д' Эстэн Европадаги аҳволни ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашдан сўнг қўйилган қадамларни кўриб чиқишга катта эътибор бердилар. Бу кенгашнинг Якунловчи актини улар 1975 йилнинг 1 августида Хельсинкида имзолаган эдилар.

Томонлар шу вақт ичида Европадаги аҳвол яхшиланганлигини, Европадаги давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларда муайян тараққиётга эришилганлигини қайд этадилар.

Хельсинкида тузилган Якунловчи акт тўла ва узлуксиз амалга оширилиши ишига чуқур садоқатли бўлган СССР билан Франция унинг ҳамма моддаларини самарали амалга ошириш мақсадларида иш кўришга мажбурдир деб ҳисоблайдилар. Шундай ишлар Европада ҳамкорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга, шу жараённи конкрет моддий мазмун билан бойитишга кўмаклашиш ниятида эканликларини изҳор қиладилар.

Томонлар 1971 йилнинг 3 сентябрида тузилган ўрт давлат битимига муҳим аҳамият бераётганликларини, шу битимга қатъий риоя қилиш уни тўла амалга ошириш тегишли районда стабилликнинг гарантиясига ҳисобланади ва шу билан Европада кескинлик юмшатишлишини сақлаб қолувчи муҳим омиллардан бири бўлади, деб таъкидладилар.

Томонлар Кипр проблемасини Кипр Республикасининг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини тўла ҳурмат қилиш асосида бартараф этиш зарурати хусусидаги қараш лари мос келганлигини қайд этадилар. Проблемани бундай одилона ва мустаҳкам ҳал этиш музокаралар олиб бориш йўли билан амалга оширилмоғи лозим. Улар барча чет эл қўшинлари Кипр Республикасидан тезроқ олиб чиқиб кетилишини талаб қиладилар.

Улар БМТ резолюцияларига мувофиқ БМТ Бош секретарининг хомийлиги остида, жамоалар ўртасида музокаралар яна бошланганлигини маълумотга олдилар.

Томонлар ҳозирги вақтда Яқин Шарқдаги можарони ҳар томонлама бартараф этишга эришиш йўлида олга силжишга янада қулай шартшароитлар борлигини уқтириб ўтдилар. Томонлар можарони бартараф этиш асосий жиҳатлари юзасидан узоқ вақтдан бери тутиб келаётган позициялари эндиликда кенг қўламда маъқулланаётганлигидан мамнун бўлганликларини изҳор қиладилар. Улар одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш 1967 йилда босиб олинган ҳамма араб территорияларидан Исроил қўшинларини олиб чиқиб кетишга, Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқлари, шу жумладан унинг ўз миллий ўчоғига эга бўлиш ҳуқуқи таъминланишига, шу райондаги ҳамма давлатларнинг, шу жумладан Исроилнинг хавфсизлиги ва эътироф этилган чегараларда мустақил яшаш ҳуқуқлари ҳурмат этилишига асосланмоғи керак, деб ўйлайдилар.

СССР ва Франция Женева сулҳ конференцияси шу йилнинг охиригача яна иш бошлайди ва унда манфаатдор ҳамма томонлар, шу жумладан Фаластин араб халқининг вакиллари тенг ҳуқуқли асосда қатнашади, деб умид билдирадилар.

Томонлар Африкадаги аҳволни кўриб чиқишга эътибор бердилар.

СССР ва Франция Африка қитъасида тинчликни мустаҳкамлаш мақсадларида Африка давлатларининг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини ҳурмат қилишга, шунингдек Африка халқлари ўз тақдирларини четдан бирон давлат аралашмаган ҳолда ўзлари бемалол ҳал этиш ҳуқуқи амалга оширилишига кескинликни юмшатиш руҳида аҳамият бераётганликларини таъкидлайдилар.

Совет Иттифоқи ва Франция Жибути яқинда мустақилликка эришажагидан мамнун эканликларини изҳор этиб, янги давлатнинг суверенитети ва территориал бутунлигини ҳамма давлатлар ҳурмат қиладилар, деб ишонадилар.

Томонлар Зимбабве билан Намибия халқлари БМТ принципларига ва резолюцияларига мувофиқ ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ва мустақиллик ҳуқуқларини тезроқ амалга ошира олишларини ёқлаб чиқмоқдалар. Улар жанубий Африкада апартеид сиёсати ўтказилаётганлигидан афсусланадилар ва бу сиёсатни қоралайдилар.

СССР ва Франция иккала мамлакат халқаро майдонда кескинликни юмшатиш ва хавфсизлик борасида ўйнаётган кўзга кўринарли ролни назарда тутиб, қуролсизланиш соҳасида сарфланаётган куч-ғайратларда ташаббускор руҳда қатнашиш ниятида эканликларини билдирадилар.

Томонлар қатъий ва самарали халқаро назорат остида ялпи ва тўла қуролсизланишга, шу жумладан ядро қуроли тарқ этилишига эришмоқда ёрдам бериши мумкин бўлган ҳар қандай ташаббусни рағбатлантириш иштиёқига амал қилиб, БМТ Бош ассамблеясининг қуролсизланиш масалаларига бағишланган махсус сессияси ўтказилишига розилик бердилар. Улар шу масалаларни муҳокама қилиш ядро қурол-яроғлари, шунингдек одатдаги қурол-яроғлар пойгаси билан боғлиқ хавф-хатарлардан дунёни халос этиш мақсадида қуролсизланиш соҳасида яна бир туртки беришга имконият очувчи иқтисодий ва конкрет натижаларга олиб келмоғи учун ҳамма куч-ғайратларини сарфлайдилар.

Шу билан бирга томонлар қуролсизланиш масалаларига бағишлаб БМТ Бош ассамблеяси махсус сессиясининг ўтказилиши қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференцияси чақирилишидан манфаатдор эканликларини тамомила сақлаб қолаверади, деб ҳисоблайдилар. Махсус сессиянинг асосий вазифаси қуролсизланиш проблемасига принципиал ёндашувларни ва шу соҳада биринчи навбатда кўрсатиладиган куч-ғайратлар асосий йўналишларини белгилаб бериш дан, мавжуд музокаралар олиб бориш йўллари самарадорлигини оширишдан иборат бўлади. Улар бундай конференция ўтказмоқ учун зарур шарт-шароитлар, жумладан ядро қуролига эга бўлган барча давлатларнинг қўшилиши яқин фурсатда таъминланади деган истак билдирадилар.

СССР ва Франция ядро қуроли тарқалишига йўл қўймасликка аҳд қилганликлари ни яна билдирадилар. Томонлар ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида Совет — Франция Декларацияси имзоланганлигидан мамнун эканликларини билдирадилар. Бу Декларацияда улар шу мақсадга эришиш иштиёқида эканликлари таъкидланади. Улар шу билан бирга энергияга мухтож мамлакатларда ядро энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш муҳим эканлигини эътироф қиладилар.

(Давоми иккинчи бетда).

МАККАЖЎХОРИКОРЛАР ЙЎҚЛАМАСИ

ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН 100 ЦЕНТНЕРДАН «ҚАҲРАБО ДОН» УЧУН

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛҒОР МАККАЖУХОРИКОРЛИК БРИГАДАЛАРИ ЧЕХОСЛОВАКИЯЛИК ДЎСТЛАРИНИНГ ДАЪВАТИГА ЛАББАЙ ДЕБ ЖАВОБ БЕРМОҚДАЛАР

Қадрли дўстлар — Чехословакиянинг Ғарбий Словак области маккажўхорикорлари!

Биз сизларнинг «Сельская жизнь» газетасида босилган хатингизни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Сизлар ўз хатингизда Ғарбий Словак областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари совет халқлари билан биргаликда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини янги меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун курашаётганлигини хабар килгансиз. Сизларнинг бу социалистик ташаббусингизни юксак баҳолаймиз. Бу ташаббусда қардошларча дўстлик ва чинакам интернационализм ҳис-туйғулари ифодаланганлигини сезиб турибмиз.

Шу йилнинг бошида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қўшилган Венгриядаги Чепель металлургия ва машинасозлик комбинати коллективига йўллаган мактубида таъкидлаб ўтганидек сизнинг ташаббусингиз, қадрли ўртоқлар, КПСС XXV съездида қабул қилинган ғоят катта коммунистик қурилиш планларини ишонч билан ҳаётга татбиқ қилаётган совет кишиларининг ташаббуси билан қўшилиб кетади. Бу ташаббус ўз меҳнатлари билан Улуғ Октябрнинг ишини давом эттираётган, ер юзида тинчлик, озодлик, тенглик, қардошлик ва халқларнинг бахт-саодати ғояларини қарор топтириш учун курашаётган бошқа социалистик мамлакатлар меҳнаткашларининг куч-ғайрати билан қўшилиб ягона мақсад учун хизмат қилади. Сизларнинг ажойиб намунангиз, қадрли чехословак дўстлар, ана шу сўзларга амалий жавоб бўлмоқда.

Сизлар ўз хатингизда шу йил 10 февралда «Сельская жизнь» газетасида босилган «Ёшлар 1 миллион тонна «каҳрабо дон» етиштирадилар» сарлавҳали бизнинг хатимиздан мисол келтиргансиз. Ўша хатда биз Ўзбекистоннинг 500 дан ортиқ маккажўхорикорлик комсомол-ёшлар бригадаси ҳар гектар ердан 100 центнердан маккажўхори дони етиштириш учун кураш бошлаганлигини хабар қилган эдик. Бу муҳим вазифа жуда катта куч-ғайрат сарфлаб, моҳирлик билан иш олиб боришни талаб этади. Сизлар ҳам бизнинг ташаббусимизга қўшилганлигингиз бизларни жуда қувонтиради, айни вақтда Ўзбекистонлик барча маккажўхорикорларнинг бутун совет халқлари олдида, сиз мусобақадош қардошлар ва дўстлар олдида ўз масъулиятларини сезиб иш олиб боришини тақозо этади.

Бугун биз Ўзбекистон далаларида 1 миллион тонна «каҳрабо дон» етиштириш учун қандай кураш олиб бораётганлигимиз ва ўз тажрибаларимиз тўғрисида сизлар билан ўртоқлашмоқчимиз. Шуни қувонч билан айтамизки, юз центнерлик хирмон учун республикамизда 1234 комсомол-ёшлар бригадаси кураш олиб бораяпти. Қолган 1219 бригада ҳам ҳар гектар ердан 70-90 центнердан дон олишга ахд қилди.

Бундан бир неча ҳафта олдин Тошкент областининг маккажўхорикорлари маккажўхорига бир марта комплекс ишлов бериш тугаллангандан кейин экинларнинг ҳолатини қатъий баҳолаб, область бўйича ҳар гектар ердан 100 центнердан маккажўхори дони йиғиб олиш учун республикада янги ташаббус билан майдонга чиқдилар. Ана шу ташаббус асосида республикадаги барча область, район ва хўжаликларнинг маккажўхорикорлари ҳам ўз марраларини қайтадан белгиладилар. Хозир Ўзбекистондаги маккажўхорикорларнинг ярмидан кўпи ҳар гектар ердан 100-120 центнердан «каҳрабо дон» йиғиб олиш учун кураш олиб бормоқдалар.

Оби-ҳавонинг ғоят иссиқ келишига қарамасдан суғориладиган майдонларда мўл маккажўхори етиштирилмоқда. Жуда кўп хўжаликларда хозирдаёқ маккажўхорининг бўйи икки метрга етди, сўта боғлаш даврига кирди. Ҳамма жойда маккажўхорига икки-уч марта ишлов берилди, айни вақтда минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Маккажўхори экини уч-тўрт марта қондириб суғорилди. Илғор бригадаларда ҳозир экинга «шарбат» суви берилмоқда. Бу тадбир бизнинг шароитимизда ҳосилни анча оширишга имкон беради.

Ўзбекистон маккажўхорикорлари ўз маҳоратларини доимо ошириб бормоқдалар. Республиканинг илғор бригадаларида юздан ортиқ илғор тажриба мактаблари ишлаб турибди. Бу бригадаларда таълим ишлари бевосита далаларда олиб борилади.

Ҳозир республикамизнинг барча колхоз ва совхозларида маккажўхорини дон ва силос учун ўриб-йиғиб олишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Ўрим-йиғим техникасини тахлилиш, икки сменада иш олиб бориш учун агрегат экипажларини бутлаш юзасидан ўтказилган зарбдор ойлик яхши самара берди. Биз 136 минг гектар майдондаги маккажўхори ҳосилини 10-15 иш кунида ўриб-йиғиб олишни муваффақиятли ўтказишни мўлжаллаб турибмиз.

Ҳурматли дўстлар! Юбилей йилида сизлар ҳам бизнинг бу катта ишимизга қўшилганлигингиздан бутун совет кишилари беҳад қувонмоқдалар. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига юксак меҳнат зафарларига эришиш учун ўзаро мусобақани давом эттирайлик. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Чехословакия Коммунистик партияси олдимизга қўйган тарихий вазифаларни бажаришга ўз ҳиссамизни қўшайлик. Мамлакатимиз халқларининг турмуш фаровонлиги ва маданияти янада ўсиши, экономикаси юксалиши учун барча ишларни амалга оширайлик. Социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлиги янада янги ғалабалар билан шуҳрат топсин.

Келинг, дўстлар, тажриба алмашиб, ўз дўстлигимизни янада мустаҳкамлайлик. Ягона мақсадимиз — коммунизм сари шаҳдам қадамлар билан борайлик!

Узбекистон маккажўхорикорларининг топширигига биноан: **Р. Абдалиев** — Сирдарё областидаги «Боёвут» совхозидан; **В. Абдуллаев** — Наманган область Тўрақўрғон районидаги «Намуна» колхозидан; **Т. Акабоев** — Жиззах областидаги К. Раҳимов номли совхозидан; **Б. Алдашинов** — Самарқанд областидаги «Булунғур» совхозидан; **А. Оллоёров** — Хоразм область Урганч районидаги бўрдоқичилик базасидан; **М. Зубайдов** — Қашқадарё областидаги «Партия XXII съезди» совхозидан; **С. Мелибоева** — Андижон область Москва районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан; **Д. Мирзаев** — Тошкент областидаги Ворошилов номли совхозидан; **Х. Сафаров** — Сурхондарё областидаги «Партия XXIV съезди» совхозидан; **М. Ҳошимова** — Фарғона областидаги Жданов номли совхозидан; **Ч. Эгамов** — Бухоро область Свердлов районидаги Навоий номли колхозидан, **Ш. Юсупова** — Қорақалпоғистон АССР Хўжайли районидаги Ленин номли колхозидан.

«Сельская жизнь», 22 июнь. Узбекистон ССР.

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДА ТИНМАЙ ҒАМХЎРЛИК ҚИЛАЙЛИК

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ АКТИВИ КЕНГАШИДАН

23 июнда Тошкентда республика партия активи кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш республикада ҳуқуқ-тартиботни ва қонунчиликни янада мустаҳкамлашга доир масалаларни қараб чиқди.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Грехов доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри Ҳ. Ҳ. Яҳёев, Ўзбекистон ССР прокурори Н. Б. Бўрихўжаев, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Ф. Н. Нажмиддинов, Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Х. Азимов, Самарқанд область партия комитетининг секретари Т. Р. Абдушукуров, Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг раиси Н. М. Маҳмудова, Ўзбекистон ССР юстиция министри М. С. Восиқова, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов, Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари В. К. Михайлов, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси Х. К. Муҳиддинова, Қарши шаҳар ижроия комитетининг раиси Р. Шодиев сўзга чиқдилар.

Докладчи ва нотиқлар республиканинг партия, совет ва жамоат ташкилотлари ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасида катта иш олиб бораётганликларини, гражданларни, айниқса ёшларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилашга эришаётганликларини уқтириб ўтдилар. Маъмурий органлар билан жамоатчиликнинг биргаликдаги ҳаракати мустаҳкамланмоқда, ҳуқуқ-тартибот таянч пунктларининг фаолияти ва уларнинг ҳуқуқни бузишнинг олдини олишга ижобий таъсир кўрсатаётганлигида яққол кўринмоқда. Аммо бир қанча жойларда бу иш лозим даражада изчиллик ва қатъиятлик билан олиб борилаётгани йўқ. Айрим партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, колхозларнинг раҳбарлари ичкиликбозлик, безорилик, ўғирлик фактларига, жаммиятга хилоф бошқа иллатларга тегишли баҳо бермаяптилар, тартибни бузувчиларга нисбатан баъзан принципсизлик, кўнгилчанлик қиляптилар. Бу камчиликларни қатъият билан бартараф қилиш социалистик турмуш нормаларини бузувчиларга нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтириш, ишонтириш кучи билан қонун кучини бир-бирига моҳирона боғлаб олиб бориш керак. Меҳнаткашларни ғоявий-ахлоқий тарбиялаш даражасини янада юксалтириш, СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида чуқур ифодалаб берилган коммунистик ахлоқ ва социалистик қонунчиликнинг асосий принципларини уларга кенг тушунтириб бериш лозим.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, Й. Р. Қурбонов, Н. М. Матчоксв, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. М. Худойбердиев, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири С. А. Шишков, СССР бош прокурорининг ўринбосари А. С. Панкратов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев қатнашдилар.

Кенгашда область партия комитетларининг биринчи секретарлари ва маъмурий органлар пропаганда ва агитация масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг раислари ва раис ўринбосарлари, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, область комсомол комитетларининг секретарлари, область халқ контроли комитетларининг раислари, касаба союз ташкилотлари, хўжалик ва маъмурий органларининг республика министрликлари ва идораларининг раҳбар ходимлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари қатнашди.

(ЎзТАГ).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Франция Республикаси Президентининг таклифига биноан расмий визит билан Францияга борган эди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, ТАСС бош директори Л. М. Замятин, ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев Л. И. Брежнев билан бирга қайтиб келишди.

СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. У. Черненко, Я. П. Рябов ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари А. П. Вадер, В. В. Кузнецов, Г. С. Павлов, Н. М. Пегов, А. П. Шитиков, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар М. П. Георгадзе, С. К. Цвигун, Г. К. Цинев, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси Ю. М. Чурбанов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. А. Голиков, СССР Олий Совети Президиуми секретариатининг бошлиғи В. И. Васильев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Франциянинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Ж. Дюон бор эди. (ТАСС).

СУРАТДА: АЭРОДРОМДА КУТИБ ОЛИШ ПАЙТИ.

М. Скурихина фотоси. («Правда»).

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

(боши биринчи бетда).

Франция томони Совет томонининг оммавий қирғин қуроли янги турларини ва бундай қурол янги системаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни тақиқлаш тўғрисида Совет томони киритган таклифни қизиқиш билан кўриб чиқаяпти.

Совет Иттифоқи ва Франция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва принципларига содиқ эканликларини таъкидлаганлари ҳолда шу ташкилот уставида бўлган имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш йўли билан кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришда, тинчлик-хавфсизлик ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда унинг обрўси ва самарадорлигини оширишга бел боғлаганликларини уқтириб ўтдилар.

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР

СССР билан Франция ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга тааллуқли масалалар муфассал ва чуқур кўриб чиқилди. Томонлар Совет Иттифоқи билан Франция ҳамкорлигининг ўсиши иккала мамлакатга фойда келтираётганлиги ва Европада ҳамда бутун дунёдаги вазиятни яхшилаш ишига ҳисса бўлиб қўшилаётганлигини мамнуният билан қайд этдилар.

Томонлар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва доираларни белгилаб олиш, бу ҳамкорликка янгидан-янги омиллар бағишлаш нуқтаи назаридан олганда энг юксак даражадаги учрашувлар алоҳида аҳамият касб этаяпти, деган фикрни таъкидладилар.

Улар шу учрашувлар якунида ишлаб чиқилган йўлни амалга оширишда икки ҳукумат министрларининг алоқалари ўйнаётган ролни мамнуният билан қайд этдилар. Улар бир-бирларининг тутган позициялари билан ўзаро яхшироқ танишиш, имкони бўлса уларни келиштириб олиш учун чуқурлаштирилган сиёсий маслаҳатлашув практикасини давом эттириш ва уларга тобора муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Томонлар ядро қуроли тасодифан ёки рухсатсиз ишлатилишининг олдини олиш тўғрисида СССР билан Франция ташқи ишлар министрлари ўртасида 1976 йилнинг 16 июнида мактуб айрибошланганлигидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар.

Томонлар халқаро иқтисодий муносабатларни ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодий тараққиётидан баҳраманд бўлиш, шу тараққиёт самараларидан янада одилона асосда фойдаланиш ҳуқуқларини, шунингдек мана шу тараққиётга таъсир кўрсата оладиган йўлларни танлашга таъсир кўрсатиш ҳуқуқларини назарда тутиб қайтадан тузиш заруратини эътироф этиш хусусида бир фикрга келдилар.

Улар шу хусусда конструктив мулоқатни давом эттиришга, ривожланаётган мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек ҳамма давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқлилик асосдаги халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга аҳд қилганликларини билдирдилар.

Томонлар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларга катта эътибор бердилар ва бу муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтириш муҳимлигини яна бир карра таъкидладилар.

Улар шуни мамнуният билан қайд этдиларки, товар оборот ҳажми доимо кўпайиб бормоқда ва бу нарса янгидан-янги истиқболларни белгилаб олишга имкон бермоқда. 1975—1976 йилларда ўзаро савдо-сотиқнинг ўсиш суръатлари йилига тахминан 30 процентни ташкил этди ва унинг ҳажми шу икки йил ичида ундан аввалги 1970—1974 йиллардаги бутун беш йилликда бўлган товар оборот миқдорига тахминан баравар ошди. Томонлар 1974 йилнинг декабрида Рамбуйеда белгилаб олинган ва 1975—1979 йиллар ичида товар оборотини икки баравар кўпайтиришдан иборат мақсадга етиш ва ҳатто ундан ўзиб кетиш мумкин эканлигини эътиборга олиб товар оборот уч баравар кўпайтирилишни таъминлаш учун зарур ҳамма чораларни кўришга қарор қилдилар. Бундан ташқари улар ўзаро савдо-сотиқ янада уйғун ривож топишини таъминлаш борасида куч-ғайрат сарфлашни давом эттиришга аҳд қилдилар.

Иқтисодий ва саноат кўламидаги ҳамкорлик ҳам диққат билан кўриб чиқилди. Яна бир карра таъкидлаб ўтилдики, бундай ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг муҳим негизларидан бирини ташкил қилади. Томонлар 1973 йилнинг 10 июлида Москвада имзоланган ўн йиллик программа ва 1974 йилнинг 6 декабрида тузилган қўшимча протокол иккала мамлакатнинг кўпгина саноат лойиҳаларини амалга оширишларига, жумладан катта саноат комплексларини қуриш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишларига имкон берганлигини қайд этдилар. Улар икки мамлакатнинг манфаатдор корхоналари ва ташкилотлари ўртасида олиб борилаётган музокараларнинг муваффақиятли чиқиши уларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшади, деб таъкидладилар.

Томонлар янги лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам беришга қарор қилдилар ва шу мақсадда ўн йиллик фурсатга мўлжаллаб экономика ва саноат соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш программасига янги бир протокол, шу жумладан лойиҳаларнинг келишиб олинган қўшимча рўйхатини имзоладилар.

Томонлар 1990 йилгача даврни мўлжаллаб экономика ва саноат соҳасида Совет — Франция ҳамкорлигини чуқурлаштирувчи янги узоқ муддатли программани ишлаб чиқишга киришиш тўғрисида келишиб олдилар.

Томонлар визит якунида имзоланган химия соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим билан транспорт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимдан мамнун бўлганликларини изҳор қилдилар.

Томонлар илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасидаги муносабатларнинг янада самарали ва мувозанатлашган тус бериш мақсадида ортиб борилган тажрибаларга таяниб, шу билан бирга энг истиқболли мавзулар ва лойиҳаларга кўпроқ эътибор бериб, илмий-техникавий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга куч-ғайрат сарфлайдилар. Улар имконияти бўлса ҳамма соҳаларда илмий-техникавий ҳамкорлик билан саноат иқтисодий ҳамкорликни бир-бири билан янада кенгроқ кўламда боғлаш борасидаги куч-ғайратларни давом эттиравериш аҳдлашдилар. Ядро энергетикаси, космосни татбиқ этиш, ҳисоблаш техникаси, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги, медицина соҳаларида, шунингдек астрономия, ҳаётнинг физикавий-химиявий асослари, сейсмология, катализ, қаттиқ жисм механикаси, квант электроникаси ва ночизиқ оптика проблемалари борасидаги фундаментал тадқиқотнинг турли жиҳатлари юзасидан ҳамкорликка алоҳида эътибор берилади.

Икки мамлакат ўртасида бир қанча йиллардан бери атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида муваффақиятли илмий-техникавий ҳамкорлик амалга оширилиб келаётганлигини иккала томон ҳам уқтириб ўтди ва бу ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятлари тўғрисидаги, жумладан атом электр станциялари ва кўпайтиргич реакторлар хусусидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятлари тўғрисида фикр айтилди.

Жумладан шу ҳам айтиб ўтилдики, космос соҳасида кейинги ўн йил мобайнида доимо муваффақиятли ривожланиб келган Совет—Франция ҳамкорлиги совет учирувчи ракетасининг ёрдами билан Франциянинг «Снег-3» йўлдошини орбитага чиқариш билан нишонланганлиги, кейинги ойлар ичида бу ҳамкорлик Совет Иттифоқи ўтказаётган Венера планетасини тадқиқ этиш программасида Франция олимларининг иштироки билан олиб борилаётганлиги қайд этилди.

Томонлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг сифат даражасини бундан бўён ҳам ошириб, маориф, маданият, санъат ва илм-фан соҳасида Совет—Франция ҳамкорлиги янада кўпроқ самарали бўлишини таъминлаб борадилар.

Томонлар ўрта ва олий ўқув юртларини, шунингдек катталарни ўқитиш донрасида Францияда рус тили ва Совет Иттифоқида француз тилини ўқитиш ривожлантирилишини таъминлаш борасида янгидан-янги куч-ғайрат кўрсатишга бел боғлаганликларини билдирадилар. Улар жумладан шу мақсадда бир мамлакатнинг иккинчи мамлакатдаги муаллимлар ва ассистентлари сонини кўпайтириш имкониятларини ўрганиб чиқиш матлуб деб ўйлайдилар.

Томонлар иккала мамлакат ёшларининг, шу жумладан ўқувчи ёшларнинг мунтазам равишда учрашиб туришларига кўмак бермоққа қарор қилдилар.

Томонлар иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик вазифалари бажарилиши муносабати билан совет мутахассисларининг Францияда, француз мутахассисларининг СССРда бўлиш ва ишлаш шароитлари тўғрисида СССР билан Франция ташқи ишлар министрлари шу йил 7 июнда бир-бирларига мактуб йўллаганликларидан мамнун бўлганликларини билдирдилар.

Ҳарбий йўл билан амалга оширилувчи алоқаларнинг фойдали эканлиги айтиб ўтилди. Томонлар бундай алоқалар Совет Иттифоқи билан Франция қуролли кучларининг бир-бирларига нисбатан анъанавий иззат-икром ҳис-туйғуларини мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкинлигини назарда тутиб, уларни давом эттириш ва имкониятига қараб кенгайтиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Томонлар Совет Иттифоқи халқи билан Франция халқи ўртасида ҳурмат, ўзаро мойиллик ва дўстлик ҳис-туйғуларини ривожлантиришни аввалгидек муҳим деб ҳисоблайдилар. Улар шу туйғуларнинг мустаҳкамланиши совет халқи билан Франция халқининг маданияти ва эришган ютуқлари билан ўзаро таниши ҳамда совет кишилари билан французлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга кўмак беради, деб ҳисоблайдилар. Улар Совет Иттифоқи билан Франция биргалашиб икки томонлама муносабатлар соҳасида, шунингдек бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашда ўз олдиларига қўйган муҳим вазифаларни ҳал этиш учун шу таҳлидда қулай вазият яратаверади, деб ўйлайдилар.

Томонлар Л. И. Брежневнинг Францияга визити ва шу муносабат билан бўлиб ўтган суҳбатлар самарали бўлди, деб ҳисоблайдилар. Улар шу визитнинг натижалари ва СССР билан Франция ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беришга ҳамда Европада ва умуман халқаро майдонда вазиятни яхшилаш ишига ҳисса бўлиб қўшилишига аминдирлар.

Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан Франция Президенти В. Жискар д'Эстэнни расмий визит билан Совет Иттифоқига боришга таклиф қилди. Франция Президенти бу таклифни мамнуният билан қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ

Франция Республикасининг Президенти В. Жискар д'ЭСТЭН

Рамбуйе, 1977 йил 22 июнь.

ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА

ПАРИЖ, 22 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бугун Совет элчихонасида Франция Республикасининг Президенти В. Жискар д' Эстэн шарафига нонушта зиёфат берди. Франция ҳукуматининг аъзолари ва бошқа расмий кишилар ҳам ҳозир бўлишди.

Совет томонидан Л. И. Брежнев билан бирга Францияда меҳмон бўлиб турган расмий кишилар бор эди.

Л. И. Брежнев ҳозир бўлган кишилар ҳузурида нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам Президент жаноблари!

Муҳтарама Жискар д' Эстэн хоним!

Жаноблар!

Ўртоқлар!

Президент жаноблари, биз Сизни ва дўст Франция давлат ва жамоат ҳаётининг бошқа атоқли намояндаларини бу ерда, Совет элчихонаси даргоҳида табриклаб кутиб олганимиздан хурсандмиз.

Сизларни элчихонанинг янги биносида қабул қилиш бизга айниқса ёқимлидир. Шу бинонинг қурилиши ҳам — СССР билан Франция ўртасида мустаҳкамланиб бораётган муносабатларнинг белгиларидан биридир. Президент жаноблари. Сиз бу бинонинг биринчи меҳмони бўлдингиз. Биз бунга катта аҳамият беряпмиз. Франция пойтахтидаги ана шу янги совет уйининг бутун ҳаёти мамлакатларимиз ва халқларимизнинг муттасил кучайиб борадиган дўстлиги белгиси остида ўтишини тилагим келади.

Бугун бизнинг Францияга қилган уч кунлик визитимиз тугамоқда. Бу мароқли, эсдан чиқмайдиган ва сиёсий жиҳатдан мазмундор кунлар бўлди. Биз шу кунларда Франция Республикасининг Президенти ва Франция ҳукуматининг аъзолари билан бўлиб ўтган музокараларнинг аҳамиятини юқори баҳолаймиз. Ҳар иккала томоннинг куч-ғайрати билан катта ва жиддий иш қилинди.

Музокараларнинг мавзулари дунёдаги ҳозирги вазиятнинг бир қанча актуал проблемаларини ўз ичига олади. Табиийки, эришилган натижалар икки томонлама ҳамкорлик соҳасигагина даҳлдор бўлиб қолмай, шу билан бирга анча кенг аҳамиятга ҳам эгадир.

Биз Президент билан махсус ҳужжат имзоладик, унда кескинликни юмшатиш сиёсатининг мазмуни тўғрисидаги, кескинликни юмшатиш, бизнинг эътиқодимизча, ҳозирги шароитларда қай йўлдан ривожланиши лозимлиги ҳақидаги саволга умумий бир жавоб топишга интилдик.

Биз халқаро сиёсатнинг ана шу муҳим проблемасини биргаликда англашимизни билдириб, келажакка назар ташлаяпмиз. Эҳтимолки, бу сафар ҳам Франция ва СССР ўз ҳамкорлиги билан бошқалар учун дуруст намуна кўрсатурлар.

Совет Иттифоқи Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш ва ҳамкорликни ривожлантириш вазифасига ҳамиша жуда катта аҳамият бериб келган. Шу сабабли биз Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг Белград учрашувини табриклаймиз. Биз шу учрашувнинг конструктив характерда ўтиши ва муваффақиятли бўлиб чиқиши тарафдоримиз. Бинобарин, бошқа масалаларда бўлгани каби, бу масалада ҳам биз билан Франция ўртасида ҳамкиҳатлик бошланганлигидан мамнунмиз.

Ядро қуролининг планета бўйлаб тарқалиш хавфини камайтириш соҳасида кенг халқаро кўламда ҳозиргача қилинган ғайрат-ҳаракатлар билан бир қаторда, энди бу вазифани ҳал этиш манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи билан Франциянинг ҳамкорлик йўлини аниқлаб олишга муваффақ бўлганлигига ҳам хурсандмиз. Бугун имзоланган яна бир муҳим ҳужжатнинг моҳияти ана шундан иборат. Бу ҳужжатда ядро қуролига эга бўлган икки давлатнинг муштарак нуқтаи назари ифодалаб берилганлиги факти шу нуқтаи назарга алоҳида салмоқ ва обрў бахш этади.

Ҳозирги суҳбат ва музокаралар иккала мамлакатимизнинг бошқа йирик халқаро ишлардаги ҳамкорлигини ҳам кенгайтириш учун имконият очиб берди. Жумладан, Совет Иттифоқи билан Франциянинг Яқин Шарқдаги уруш хавфи ўчоғи, ниҳоят, ўчирилиши, ўчирилганда ҳам одилона, принципиал ва шу боисдан ҳам мустаҳкам асосларда батамом ўчириб ташланиши йўлида ҳаракат қилиш учун қарор берганликлари яна бир карра тасдиқланганлиги муҳимдир.

Бизнинг суҳбатларимизда Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги яхши ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш масалалари ҳам муносиб ўрин олганлиги табиийдир. Бугун имзоланган кенг қамровли янги қўшма сиёсий ҳужжат, шунингдек бир қанча конкрет соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар иккала мамлакатимизнинг халқлари учун албатта фойдали бўлади ва улар маъқуллаб кутиб олинишига аминман.

Шу тариқа ҳозирги музокараларимизнинг якунларидан мамнун бўлиш учун ҳамма асослар бор. Бу якунлар Совет—Франция ҳамкорлигининг келажагига кўпроқ ишонч билан қараш имконини беради. Эндиги ган эришилган аҳдномаларни амалга оширишда қолган. Биз шундай қилишга тайёрмиз ва француз томони ҳам шу ниятда деб ўйлаймиз.

Президент жаноблари!

Бошқа халқларнинг манфаатлари ва фикр-ўйларини тушуниш, таъбир жоиз бўлса, уларга ҳурмат билан қараш совет кишиларига хос хусусиятдир. Бу хусусият совет кишисининг дунёқараши билан, унинг бутун турмуш тарзи билан чамбарчас боғланган.

Советлар мамлакати катта, мураккаб, баъзан машаққатли йўлни босиб ўтиб, турмушнинг ҳамма соҳаларида жуда катта муваффақиятларга эришди. Ривожланган социалистик жамият барпо этилганлиги — биз фахрланадиган асосий ютуқдир. Бу йил бизнинг мамлакатимизда алоҳида ижодий ғайрат вазияти ҳукм сурмоқда: чунки бу йил Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланади, Совет давлати тузилганига 60 йил тўлади.

Ҳозир СССР янги Конституциясининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилганлигини Сиз ҳам билсангиз керак. Бу муҳокама миллион-миллион совет граждانлари иштирокида активлик билан ўтмоқда. Янги Конституциянинг қабул қилиниши халқаро кўламда ҳам катта таъсирга эга бўлишига аминмиз: чунки унда совет халқининг социал соҳадаги, демократияни ривожлантиришдаги энг муҳим ютуқлари ҳам, шунингдек ташқи сиёсатимизнинг принциплари—ялпи тинчлик, хавфсизлик ва халқаро ҳамкорлик учун курашдан иборат эканлиги ҳам мустаҳкамлаб берилган. Буни барча мамлакатлардаги кўпгина кишилар тушуниб, дилга яқин деб билмоқдалар.

Президент жаноблари, сўзимнинг охирида яна шуни айтмоқчиман, бу сафар ҳам биз француз мезбонларимизнинг шод-хуррамлигини, эркак ва аёл французларнинг иссиқ муносабатини, улар Советлар мамлакатига яхши туйғулар билан қараётганликларини сездик. Ана шуларнинг ҳаммаси учун раҳмат. Ўз навбатингизда Сиз Совет Иттифоқига расмий визит билан борганингизда совет кишилари ҳам Франция ва унинг улуғ халқига нисбатан ана шундай туйғулар билан яшаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Сизни Москвада кутамиз.

Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги самарали ҳамкорлик учун!

Франциянинг равнақи ва француз халқининг бахт-саодати учун!

Франция Республикаси Президентининг ва шу залда ҳозир бўлган барча меҳмонларимизнинг сиҳат-саломатлиги учун! — қадаҳ кўтаришингизни таклиф қиламан.

* * *

В. Жискар д' Эстэн жаваб нутқи сўзлади.

В. Жискар д' ЭСТЭН нутқи

Раис жаноблари!

Бизга, менинг рафиқамга ва менга, ҳукумат аъзоларига Сизнинг Париждаги янги, муҳташам элчихонангизда кўрсатаётган илтифотингиз учун Сизга миннатдорчилик билдираман. Сизнинг таклифингиз билан Совет Иттифоқига қиладиган навбатдаги визитим вақтида мен ҳам Франциянинг янги элчихонасида Сизга меҳмондўстлик кўрсатиш шарафига муяссар бўламан, деб умид қиламан.

Сизнинг илтифотингиз сизларнинг мамлакатингизга бурноғи йили қилган расмий визитимизнинг ҳар бир босқичида шахсан Сиз ва Совет Иттифоқи халқи кўрсатган меҳмондўстликнинг ифодаси эканлигини кўриб турибман.

Бу халқларимиз ўртасида ҳам, уларнинг раҳбарлари ўртасида ҳам мавжуд бўлган самимий муносабатларнинг далили эканлигини ҳам кўриб турибман.

Аммо бугун, Сизнинг Францияга қилган визитингиз тугаётган бир пайтда кўрсатилган бу илтифот ҳаммамизнинг визит муваффақиятли ўтганлигига бўлган ишончимизни ифодалайди.

Бугун эрталаб биз имзолаган ҳужжатлар ва бизнинг иштирокимизда имзоланган ҳужжатлар қамраб олинган масалаларнинг ғоят муҳимлиги билан музокараларимизнинг беиҳоя мазмундор бўлганлигини таъкидлайди.

Франция билан Совет Иттифоқи шу ҳужжатларда дунёнинг келажаги учун таг-заминли аҳамиятга эга бўлган кескинликни юмшатиш ва ядро қуролини тарқатмаслик сингари проблемалар хусусидаги равшан ва муштарак нуқтаи назарларни тасдиқлай олганлиги халқаро кўламда ғоят маъноҳор аҳамиятга эгадир. Европада кескинликни юмшатиш йўлини биринчи бўлиб очиб берган иккала мамлакатимиз шу тариқа улар ўн йил муқаддам ўз олдиларига қўйган мақсадларга содиқ бўлиб қолаётганликларини кўрсатиб турибди.

Бизнинг ҳамкорлигимизга келганда, аввало эришилган натижаларнинг ғоят қонқарли характерини қайд этамиз. 1974 йилда биз истак сифатида ўртага қўйган—товар оборотини уч ҳисса оширишдек юксак мақсад ҳозирги кунда мажбурий бўлиб қолмоқда. Бинобарин, биз бу мақсадга эришамиз. Иқтисодий ва саноат ҳамкорлигининг ўн йиллик программасига қўшимча ва химия ҳамда транспорт соҳасида имзоланган икки битим бизнинг ўз муносабатларимизга янги туртки бериш ҳоҳишимизни ифодалайди. Мен 7 июнь куни Москвада ташқи ишлар министрларимиз бир-бирларига юборган мактубда Франция—Совет иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлигини ривожлантиришда қатнашаётган мутахассисларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашишини ҳам унутганим йўқ.

Бизнинг ўмидларимизга мос келадиган бу натижалар Европада ва бутун дунёда кескинликни юмшатиш ишига хизмат қилади.

Зотан ҳужжатлардан ташқари, йирик проблемаларни батафсил кўриб чиқишдан ташқари, тарих марҳамати билан бир-бирини билишга ва бир-бирини ҳурмат қилишга мушарраф бўлган иккала мамлакатимиз тинчликни мустаҳкамлаш йўлларини сабот билан излаш муддаосидан илҳом олиб келмоқдалар.

Мен телевидениенинг қудратли овози туфайли халқларга мурожаат қилаётганимиз каби, бу ишда халқларимиз ҳам қатнашишини хоҳлардим. Шу ёзнинг янги ҳосили пишиб етилаётган бепоён рус ерларида халқингиз тинчлик иши учун меҳнат қилмоқда. Раис жаноблари, мен Сиздан француз халқининг совет халқига энг дўстона саломини топширишингизни сўрайман.

Мен Сизнинг шарафингизга, шу учрашувнинг муваффақиятига кўмаклашган барча кишилар шарафига ва Совет Иттифоқи билан Франциянинг кескинликни юмшатиш ва тинчлик манфаатлари йўлида биргаликда олиб бораётган фаолияти учун қадаҳ кўтараман.

* * *

Ҳозир бўлган кишилар Л. И. Брежнев ва В. Жискар д'Эстэн нутқларини зўр эътибор билан тингладилар ва қарсаклар билан кутиб олдилар.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЖЎНАБ КЕТДИ

ПАРИЖ, 22 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Францияга қилган расмий визити бугун ниҳоясига етди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Париждан Батанига жўнаб кетди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Франция Президенти В. Жискар д'Эстэн билан учрашувлари ва суҳбатлари ғоят муҳим халқаро проблемалар юзасидан ва Совет—Франция муносабатлари масалалари юзасидан фойдали ҳамда ошкора фикрлашиб олиш имконини берди.

Франциядаги расм-русумга кўра В. Жискар д'Эстэн СССР элчихонасида ўтказилган нонушта зиёфат тугагандан кейин Л. И. Брежнев, А. А. Громико ўртоқлар ва бошқа совет расмий кишилари билан хайрлашади.

У бу ерда ҳозир бўлган жуда кўп журналистлар билан ҳам хайрлашади, визит чоғида қилган ишлари учун уларга ташаккур билдиради.

Орли аэродроми СССР ва Франциянинг давлат байроқлари билан безатилган. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни бош министр Р. Барр, ташқи ишлар министри Л. де Гиренго, ҳукумат аъзолари, СССРнинг Франциядаги элчиси С. В. Червоненко, Франциянинг СССРдаги элчиси Б. де Лесс кузатадилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневга олий ҳарбий, иззат-икром кўрсатилди. Учиш майдонида Франция қуролли кучлари уч тури намояндаларидан иборат фахрий қоровул саф тортиб турди. Совет Иттифоқи билан Франциянинг давлат гимнлари ижро этилади, тўплардан отилган салют садолари янграйди.

Л. И. Брежнев билан Р. Барр фахрий қоровул сафи олдидан ўтадилар. Сўнгра Л. И. Брежнев Франция ҳукуматининг аъзолари, дипломатлар, Франциядаги совет муассасаларининг ходимлари ва бошқа расмий кишилар билан хайрлашади.

У бу ерда ҳозир бўлган жуда кўп журналистлар билан ҳам хайрлашади, визит чоғида қилган ишлари учун уларга ташаккур билдиради.

Р. Барр Л. И. Брежневни самолёт зинапояси томон кузатиб қўяди. У билан самимий хайрлашади, оқ йўл тилайди. У А. А. Громико, Н. С. Патоличев, Б. П. Бугаев ва бошқа расмий кишилар билан ҳам хайрлашади.

Самолёт Москва томон йўл олади.

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ВАЛЕРИ ЖИСКАР д' ЭСТЭН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

ПАРИЖ, ЕЛИСЕЙ САРОЙИ

Франциядан жўнаб кетаётиб, Сиз Президент жаноблари, Франция ҳукуматига ва дўст француз халкига Сизнинг ажойиб мамлакатингизга қилган визитимиз чоғида менга ва мен билан ҳамроҳ бўлиб борган ҳамма кишиларга кўрсатилган меҳмондўстлик учун самимий ташаккур билдиришни истайман.

Ижобий ва фойдали музокаралар ҳамда шунинг натижасида имзоланган муҳим ҳужжатлар Европада яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатликни ривожлантиришга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлган Совет—Франция муносабатларини ривожлантиришга янги катта ҳисса қўшилди, деб айтиш имконини беради.

Шу фурсатдан фойдаланиб, жаноб Президент, Сизга энг яхши истакларимни йўллайман, бутун француз халқининг яйраб —яшашини тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ

1977 йил 22 июнь

ИЛ—62 самолёти борти

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг АХБОРОТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ, РАЙОН, ШАҲАР, ПОСЁЛКА, ҚИШЛОҚ ВА ОВУЛ СОВЕТЛАРИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВНИНГ ЯКУНЛАРИ

1977 йил 19 июнь якшанба куни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов ўтказилди.

Сайлов кампанияси КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорлари. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига тайёргарлик, янги Конституция лойиҳасининг кенг муҳокама қилинишни туфайли оммаанинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати янада ошган вазиятда ўтди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми олган маълумотларга кўра, меҳнаткашлар депутатлари 11 область, 138 район, 84 шаҳар, шаҳарлардаги 12 район Советларига, 85 посёлка, 989 қишлоқ ва овул Советларига депутатлар сайланди.

Сайловда 6.724.475 сайловчидан 6.724.452 сайловчи ёки сайловчиларнинг 99,99 проценти овоз беришда қатнашди.

Область Советлари сайловида 5.413.411 киши ёки барча сайловчиларнинг 99,99 проценти;

район Советлари сайловида 4.149.730 киши ёки барча сайловчиларнинг 99,99 проценти;

шаҳар Советлари сайловида 2.806.184 киши ёки барча сайловчиларнинг 99,99 проценти;

шаҳарлардаги район Советлари сайловида 1.117.351 киши ёки барча сайловчиларнинг 99,99 проценти;

посёлка Советлари сайловида 312.658 киши ёки барча сайловчиларнинг 100 проценти, қишлоқ ва овул Советлари сайловида 3.710.884 киши ёки барча сайловчиларнинг 99,99 проценти қатнашди.

Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бердилар:

область Советлари сайловида 5.410.960 киши ёки овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,95 проценти;

район Советлари сайловида 4.149.280 киши ёки овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,99 проценти;

шаҳар Советлари сайловида 2.803.314 киши ёки овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,90 проценти;

шаҳарлардаги район Советлари сайловида 1.116.195 киши ёки овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,90 проценти;

посёлка Советлари сайловида 312.387 киши ёки овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,91 проценти;

қишлоқ ва овул Советлари сайловида 3.710.699 киши ёки овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,99 проценти.

Депутатликка кўрсатилган номзодларга қарши овоз берганлар сони (овоз беришда қатнашган барча сайловчилар сонига нисбатан процент ҳисобида):

область Советлари сайловида — 0,05 процент;

район Советлари сайловида — 0,01 процент:

шаҳар Советлари сайловида — 0,10 процент;

шаҳарлардаги район Советлари сайловида — 0,10 процент;

посёлка Советлари сайловида — 0,09 процент;

қишлоқ ва овул Советлари сайловида — 0,01 процент;

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов тўғрисидаги Низомнинг 100- моддасига мувофиқ 19 та бюллетень бекор деб топилди.

Республикада маҳаллий Советларга жами 93.430 депутат сайланди. Сайланган депутатларнинг ҳаммаси коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларидир.

Сайланган депутатлар орасида: 44.953 киши ёки 48,1 процента хотин-қизлар, 51.691 киши ёки 55,3 проценти партиясизлар, 19.042 киши ёки 20,4 проценти ВЛКСМ аъзолари, 32.374 киши ёки 34,7 проценти 30 ёшгача бўлган ёшлар, 64.600 киши ёки 69,1 проценти ишчилар ва колхозчилардир.

Сайланган депутатлардан 39.621 киши ёки 42,4 проценти ўтган чақириқ тегишли Советларнинг депутати эмас эди.

Район Советларига сайлов ўтказувчи иккита округда ва қишлоқ Советига сайлов ўтказувчи бир округда депутатликка номзодлар вафот этганлиги сабабли сайлов ўтказилмади.

Сайлов якунлари коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг янги ғалабасидан республика меҳнаткашлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан маъқуллаётганликларидан, ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлилар КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишга, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга астойдил интилаётганликларидан далолат беради.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ОИЛАСИДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми 19 июнда автоном республика меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига бўлиб ўтган сайлов якунлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирди.

Қорақалпоғистон АССРда маҳаллий Советларга сайловда 369.108 киши ёки жами сайловчиларнинг 100 проценти қатнашди.

Депутатликка номзодлар учун қуйидагича овоз берилди: район Советларига овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,99 проценти, шаҳар Советларига 99,98 проценти, овул Советларига 100 процент, посёлка Советларига 99,97 проценти овоз берди.

Умуман автоном республика бўйича маҳаллий Советларга 6498 киши сайланди. Депутатлар орасида хотин-қизлар —48,6 процент, партиясизлар — 55,8 процент, ишчилар ва колхозчилар — 69 процентни ташкил қилади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. Ҳ. УМАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ ВА ЁҒОЧСОЗЛИК САНОАТИ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:** Ўртоқ Абдулла Ҳакимович **Умаров** Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1977 йил, 23 июнь. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ IV СЕССИЯСИ

КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИҲАСИНИ ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат Д. ЕШИМБЕТОВ нутқи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган СССР янги Конституциясининг лойиҳаси Совет Қорақалпоғистони меҳнаткашларининг ижодий ғайратини жўш урдириб юборди. Янги Конституция лойиҳаси ғоят катта сиёсий аҳамиятга молик ҳужжатдир.

Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида айтганидек, Конституция қоидаларининг амалга оширилиши давлат ва хўжалик фаолиятимизни бутун ҳокимият ва бошқарув органларининг ишини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариши лозим. У миллион-миллион совет кишиларига экономикани бошқаришга, давлат аппарат ишини контроль қилишга янада активроқ кириши имконини беради.

Советлар ва уларнинг депутатларининг омма билан алоқасини мустаҳкамлашнинг асосий йўлларини белгилаб берувчи Конституция лойиҳасининг қоидалари социалистик демократияни яна да ривожлантиришга қаратилгандир.

Партиямиз давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини ҳар томонлама яхшилаш, хўжалик ва социал маданий қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасида уларнинг активлигини ўстириш йўлини изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Партия қабул қилган тадбирлар натижасида сўнгги йилларда республика меҳнаткашлар маҳаллий Советларининг фаолиятида сезиларли силжишлар рўй берди. Уларнинг хўжаликка раҳбарлик савияси ошди, планлаштириш соҳасида Советларнинг вазифаси кенгайди, хўжалик ва маданий қурилишнинг асосий участкаларида ишнинг аҳволини контроль қилишни ташкил этиш яхшиланди. Депутатлар кўпроқ ишчанлик, активлик кўрсата бошладилар.

Автоном республиканинг маҳаллий Советлари бошқарув аппаратининг ташкилотчилик ишини такомиллаштириш соҳасида кўп иш қилдилар.

Автоном республика меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун куч ва ғайратларини аямайдилар. **(Қарсаклар).**

Депутат У. ҲАСАНОВА нутқи

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ТЕРЕШКОВА НОМЛИ КОЛХОЗ РАИСИ

СССР янги Конституцияси лойиҳасининг ҳар бир сатри бизларни қувонтиради ва руҳлантиради. Ана шу тарихий ҳужжатда совет жамиятимизнинг улуғворлиги ўз ифодасини топган. Биз шу нарсани эўр мамнуният билан таъкидлаймизки, Асосий Қонунга мувофиқ советлар фаолиятидаги демократик принциплар янада ривож топади, совет жамиятининг ҳаётидаги муҳим масалаларни ҳал қилишда уларнинг роли тағин ҳам ошади.

Областимиз шаҳар ва қишлоқларида Конституцияни қўллаб-қувватлашга бағишланган кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди. Шу митингларнинг қатнашчилари Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқулладилар. Улар совет кишиларининг бахт-саодати тўғрисида, мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини равнақ топтириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун жонажон партияга, унинг Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар. Бутун халқимиз Леонид Ильич Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги ҳақидаги хабарни зўр хурсандчилик ва баланд руҳ билан кутиб олди.

Меҳнатчиларимиз янги Конституция лойиҳасини муҳокама қила туриб, сўнгги йилларда мамлакат, республика ҳаётида рўй берган катта ва қувончли ўзгаришлар тўғрисида фахрланиб гапирмоқдалар. Ўрта Чирчиқ районимизда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Илгари районнинг бутун экономикаси қишлоқ хўжалигига таянар эди. Энди Ўрта Чирчиқ саноат-аграр районига айланди. Бу ерда колхоз ва совхозлардан ташқари, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқув хўжалиги, учта илмий муассаса, ўттизта саноат ва автотранспорт корхонаси, 27 та қурилиш ташкилоти бор. Биз маданий қурилиш соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришдик. Атиги бир рақамни айтиб ўтмоқчиман — районда 4417 нафар дипломли мутахассис ишлаб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларидан, СССР янги Конституцияси лойиҳасидан илҳомланган Ўрта Чирчиқ районининг меҳнатчилари шу юбилей йилини меҳнатда янгидан янги муваффақиятларга эришиш билан нишонлашга ҳаракат қилмоқдалар. Колхозимиз деҳқонлари қирқ центнерлик пахта ҳосилини олишни, гектар бошига ўрта ҳисобда 200 центнердан луб экинлари етиштиришни мўлжалламоқдалар. **(Қарсаклар).**

Депутат В. П. КУКСЕНКО нутқи

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Самарқанд областининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, содиқ ленинчи, совет халқининг шонли фарзанди Леонид Ильич Брежневнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги тўғрисидаги хабарни бутун совет халқи билан бир қаторда ғоят баланд руҳ билан кутиб олди.

СССР Конституциясининг лойиҳасида коммунистик қурилишнинг биринчи даражали вазифаларини ҳал этишда советларнинг роли янги, янада баланд поғонага кўтарилади. Бу эса советлар ишининг форма ва методини янада такомиллаштиришни, халқ вакиллари бўлган коммунистларга нисбатан талабчанликни оширишни тақозо этади. Кейинги вақтларда бу соҳада кўп иш қилинди. Ўн йил мобайнида Самарқанд областидаги қишлоқ ва поселка Советларининг олий маълумотли раислари сони тўрт баравар кўпайди, уларнинг составидаги халқ хўжалиги мутахассисларининг сони икки ярим баравар ортди. Маҳаллий Советларнинг кўпгина ижроия комитетлари алмашлаб экишни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш, айниқса қишлоқда кооператив қурилиши масалаларини сессияларда ишнинг кўзини билиб, ишчанлик билан кўриб чиқмоқдалар.

Самарқанд области меҳнаткашлари янги Конституция лойиҳасини, КПСС Марказий Комитети май Пленумининг ва СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг қарорларини маъқулламоқдалар ва яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Давлатимиз Асосий Қонунининг лойиҳаси совет халқининг эртаги кунга дадил қарашини, Ер юзида мустаҳкам тинчликка бўлган чуқур ишончини акс эттиради. **(Қарсаклар).**

Депутат И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ нутқи

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Янги Конституция лойиҳасида советларнинг вазифаларига катта эътибор берилган. Иқтисодий ва маданий қурилиш, совет демократиясини мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда советларнинг роли янада юқори кўтарилмоқда.

Биз Конституция лойиҳасини ўргана туриб, партиямиз, унинг Марказий Комитети ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев социалистик тузумни янада мустаҳкамлаш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилаётганликларига, совет халқининг фаровонлигини ва маданиятини муттасил юксалтириш ленинча принципини оғишмай амалга ошираётганликларига яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Андижон области меҳнатчилари партиямиз ғамхўрлигига зарбдорларча меҳнат қилиш билан жавоб бермоқдалар. Саноат маҳсулотини реализация қилиш беш ойлик плани ошириб адо этилди. Қурувчилар белгиланган топшириқни анча ошириб бажардилар. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам дастлабки муваффақиятларга эришдик. Область пилла-чилари ўз зиммаларига олган мажбуриятни қисқа муддатларда адо этдилар. Пахтакорлар хормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Улар ғўзаларни сифатли парвариш қилиш билан мўл ҳосил олишга эришмоқдалар. Беданинг иккинчи ўрими ўтказилди, бошоқли дон экинлари ўрим-йиғими тугай деб қолди. Гўшт, сут, тухум ўтган йилдагидан анча кўп топширилди.

Меҳнатчиларимиз СССР Конституциясининг лойиҳасини муҳокама қила туриб, муваффақиятлар ва эришилган ютуқлар тўғрисидагина гапириб қолмай, камчиликларни ҳам очиб ташламоқдалар, фойдаланилмаётган резерварни кўрсатиб бермоқдалар. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг гражданлар ўз вазифаларини бажарилишларидан ажралмас эканлиги худди ана шунда намоён бўлмоқда.

Шу нарса диққатга сазоворки, СССРнинг янги Конституцияси Советлар мамлакатининг шонли юбилей йилида ишга тушади. Совет халқининг Конституцияда мустаҳкамланадиган революцион зафарлари, унинг коммунизм қуриш учун курашда эришган муваффақиятлари — Октябрь ишининг бевосита давоми, Улуғ Ленин ғояларининг рўёбга чиқарилишидир. **(Қарсаклар).**

Депутат Р. И. ЮСУПОВА нутқи

ТОШКЕНТДАГИ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТИ

Барча совет кишилари сингари мен ҳам янги Конституция лойиҳаси билан ғоят қизиқиб танишдим. Бу лойиҳа жамиятимизнинг чинакам демократизмини, социалистик турмуш тарзининг яққол устунликларини кўрсатувчи яна бир ёрқин далилдир.

Ишлаб чиқариш бирлашмамизнинг цехлари ва бригадаларида, участкаларида СССР Асосий Қонунининг лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Бизнинг барча меҳнатчиларимиз совет кишилари тўғрисида, Ватанимизнинг барқ уриб яшнаши тўғрисида тинмай меҳрибонлик қилаётганликлари учун жонажон партияга самимий миннатдорчилик изҳор қилмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети май Пленумининг ва Ўртоқ Л. И. Брежневни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаш тўғрисида СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг қарорларини қизғин маъқулламоқдалар.

Мен тикувчи-моторист бўлиб ишлаяпман. Бизнинг цехимиз Октябрь юбилейи шарафига пландан ташқари 30 минг дона трикотаж буюм чиқариш мажбуриятини олди. Биз мажбуриятимизни бажариб бўлдик, 5 ой ичида пландан ташқари 53 минг дона сифатли ва кўркам буюм тайёрлаб чиқардик. Бизнинг бутун бирлашмамиз ўзининг социалистик мажбуриятини муваффақият билан адо этмоқда. Йил бошидан бери планга қўшимча равишда 1 миллион 264 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Пландан ташқари 300 минг дона трикотаж буюм чиқарилди, меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 18 процент ошди.

Мусобақа ташаббускори Шоира Холмуҳамедова беш йилликнинг уч ярим йили топширигини тўла бажарди ва Октябрь юбилейигача тўрт йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олди.

Янги Конституция лойиҳаси бизларни қувонтирди ва руҳлантирди, кучимизга куч бағишлади. Биз ишчилар коммунистик қурилиш суръатларини кун сайин оширишни ўзимизнинг энг биринчи бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Партия XXV съездида белгиланган барча режаларни амалга оширамиз.

Бутун совет халқи билан биргаликда бизлар ҳам партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини маъқуллаймиз. Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи Октябрь юбилейини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олишга аҳд қилди. **(Қарсаклар).**

Депутат М. КАМОЛОВ нутқи

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Барча совет кишилари сингари Наманган областининг меҳнаткашлари ҳам СССР Конституцияси лойиҳасини, КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорларини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Партия Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаш тўғрисида ССР Иттифоқи Олий Совети сессиясининг қарори ҳам шавқ-завқ ва зўр фахрланиш ҳислари билан кутиб олинди.

Ҳозирги вақтда совет кишиларининг диққат марказида турган ана шу муҳим ҳужжатларда давлатни бошқаришда Советларнинг роли ўсганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Область партия ташкилоти маҳаллий Советларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришда, хўжалик ва маданий вазифаларни ҳал этишда уларнинг ролини оширишга доимо катта эътибор бермоқда. Советлардаги партия группаларининг иши активлаштирилмоқда.

Маҳаллий Советлар ва уларнинг депутатлари шаҳар ҳамда посёлкаларни ободонлаштириш соҳасида кўп иш қилмоқдалар, хутор системасини тугатиш борасидаги ишларни кучайтириб юбордилар.

Социал тараққиёт, меҳнаткашларнинг маданий даражасини ошириш масалалари СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев докладида ўз ифодасини топган. Бу масалалар область партия ва Совет органларининг доимо диққат марказида турибди.

Конституция лойиҳасини ҳар томонлама чуқур муҳокама қилишнинг кучайтириб юборилиши область меҳнаткашларига Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли равишда бажаришга ёрдам беради. **(Қарсаклар).**

Депутат В. О. КОЗИМОВ нутқи

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Барча совет кишилари сингари республика пойтахтининг меҳнаткашлари СССР янги Конституциясининг лойиҳасини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Корхоналар ва ташкилотларда Конституция лойиҳаси юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати кучайган вазиятда муҳокама қилинмоқда. Конституция лойиҳаси ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ғайратшижоатни кучайтирди, меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги ва ижодини ривожлантиришнинг янги омили бўлди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, КПСС XXV съездининг тарихий қарорларида белгиланган ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарди.

Тошкентликлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаш тўғрисида СССР Олий Совети қарорини зўр қувонч билан кутиб олдилар.

Конституция лойиҳаси социалистик демократиянинг кенгайганлигини ва чуқурлашганлигини ифодалайди. У давлат бошқаруви системасида маҳаллий Советларнинг аҳамияти ва обрўсини янада оширади. Конституция лойиҳасида СССРда меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатларининг статуси тўғрисидаги қонун билан берилган асосий ваколатлари акс эттирилган. Бу қоидалар коммунистик жамият қурилишини давом эттириш вазифаларидан келиб чиқадиган масалаларни тўла ва сифатли ҳал этишда маҳаллий ҳокимият органларининг, халқ депутатининг масъулиятини оширади.

Ҳозирги вақтда янги чақириқ шаҳар ва район Советларининг биринчи сессияларида Асосий Қонун лойиҳасини ишчанлик билан муҳокама қилишга тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, сайланган депутатлар Конституция лойиҳасини муҳокама қилишда, уни ҳар бир меҳнаткаш онгига етказишда, омма билан алоқани ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш борасида Советлар олдига қўйилган муҳим вазифаларни бажаришда актив иштирок этадилар. **(Қарсаклар).**

Депутат И. И. ГОЛОВАЧЕВ нутқи

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Биз КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорлари ва қўр таассурот ҳосил қилдик. Сессия Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, содиқ ленинчи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежневни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлади.

Ҳозирги вақтда ҳар бир қишлоқ, ҳар бир хонадон, турли тилларда гаплашувчи кўп миллатли ҳар бир совет халқларининг оиласида СССР янги Конституциясининг лойиҳаси ва Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қилган доклади кенг муҳокама қилинмоқда. КПСС XXV съездининг принципиал йўл-йўриқларига мувофиқ ишлаб чиқилган бу ҳужжат совет халқи ўзининг 60 йиллик тарихида қўлга киритган буюк муваффақиятлар якунларини мужассамлаштиради.

Мамлакатнинг, республикамизнинг ҳаётида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар бизнинг Қашқадарё областимиз мисолида ҳам яққол кўринмоқда. Илгари ҳеч қандай саноати бўлмаган бу ўлкада ҳозир 70 дан зиёд корхона ишламоқда. Ҳозирги кунда Қашқадарё 500 минг тонна пахта, 300 минг тонна дон етиштирмоқда. Бу областда иккита олий ўқув юрти ва 12 та техникум, неча юзлаб мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари, меҳнаткашларнинг соғлиғини муҳофаза қилаётган 8 минг медицина ходими бор. Областда дашт-биёбонларга кенг кўламда ҳужум бошланди. Бу дашт-биёбонлар яшнаб турган дала ва боғ-бўстонларга айлантирилмоқда.

Ҳозирги пайтда барча коллективлар, областнинг барча меҳнаткашлари янги Конституция қабул қилинишини ва Улуғ Октябрь юбилейини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлашга зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар.

Биз ўзимизнинг кундалик фаолиятимизни партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети май Пленумининг юксак талаблари билан таққослаб иш олиб бормоқдамиз ва бундан буён ҳам бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишимизни Улуғ Ватанимизнинг иқтисодий ҳамда мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, 1977 йилги давлат топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни ва умуман беш йиллик планни сўзсиз бажаришни таъминлашга сафарбар қилишни ўз вазифамиз, деб биламиз. **(Қарсаклар).**

Депутат М. С. ВОСИҚОВА нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЮСТИЦИЯ МИНИСТРИ

Янги Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги — мамлакатимизда В. И. Ленин таълимотига асосланган чинакам халқ ҳокимияти амалга оширилаётганлигини кўрсатувчи яққол далилдир. Ана шу ажойиб ва илҳомбахш ҳужжатда партиянинг коллектив ақл-заковати ифодаланган, жамиятимизнинг коммунизм чўққилари сари йўлидаги ҳужумкор ҳаракатининг якунлари акс эттирилган.

Ривожланган социализмнинг ғоят муҳим ҳужжати бўлган Конституция лойиҳасида давлат ва ижтимоий ҳаётимизнинг ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни қатъий муҳофаза қилиш, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар фаолиятида, мансабдор шахслар, барча гражданларнинг ишида социалистик қонунчиликка оғишмай риоя қилиш кўзда тутилади. Янги Конституция лойиҳасида совет жамиятида Коммунистик партиянинг раҳбарлик ва раҳнамолик ролига ҳар тарафлама характеристика берилган.

Конституция гражданларимизга катта-катта ҳуқуқларни гарантиялайди. Шу билан бирга у лавозим ва эгаллаб турган вазифалардан қатъий назар барча гражданлар зиммасига Совет давлатининг қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя қилиш вазифасини юклайди. Совет давлатининг қонунлари жамият нормал ҳаётининг негизидир.

Конституция Совет қонунчилигини янада такомиллаштириш учун негиз бўлиб хизмат қилади деб айтсам, хато қилмаган бўлурман деб ўйлайман. Конституция асосида иттифоқдош ва автоном республикаларнинг янги Конституциялари ва бир қанча бошқа қонунларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш лозим. Конституция Совет давлати қонунлари мажмуасининг ўзаги бўлади. КПСС XXV съезди қарори асосида ана шу қонунларни тузишга киришилди.

Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилган ҳозирги пайтда республикамизнинг маъмурий ва суд органлари, юстиция муассасалари ходимлари, барча юристлар олдида катта аҳамиятга эга бўлган вазифалар турибди. Ходимларимиз кўпгина саноат корхоналарида, ўқув юртларида, маданият муассасаларида, гражданларнинг истиқомат жойларида гражданларнинг ҳақиқий эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилигини гарантияловчи социалистик демократиянинг буюк афзалликлари тўғрисида гапириб бермоқдалар.

Лойиҳа қоидаларини ҳар томонлама ва чуқур тушунтириш КПСС XXV съезди совет халқи олдига қўйган вазифаларни ҳал қилиш билан, юбилей йили топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажариш билан маҳкам боғлаб олиб борилмоқда. **(Қарсаклар).**

Депутат С. С. ФУНК нутқи

«СИРДАРЬЯГРЭССТРОЙ» ҚУРИЛИШИ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ

СССРнинг Асосий Қонуни умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Бу Асосий Қонун КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилди.

Бу диққат-эътиборга сазовор воқеадир. Бунинг боиси шуки, партия ҳамиша жамиятимизнинг етакчи ва раҳбар кучи бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Сирдарё ГРЭСининг қурувчилари, монтажчилари ва ишлатувчилари СССР Конституцияси лойиҳасини, партия Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорларини қизғин маъқулладилар. Бизнинг коллективимиз КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев давлатимизнинг бошлиғи лавозимига сайланганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, жуда хурсанд бўлди.

Сирдарё ГРЭСининг кўп миллатли ва кўп минг кишилик коллективи юбилей йилида битта ўрнига иккита энергоблокни ишга тушириш мажбуриятини олган эди. СССР Конституцияси лойиҳасининг муҳокама қилиниши ана шу юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарилишида янги омил бўлиб қолди. «Ўн бешлар ташаббуси»ни бошлаб берган кишиларнинг бири Реимбой Сабуров бошлиқ бригада, Виктор Кеслер бошлиқ монтажчилар бригадаси, Николай Ткач бошлиқ дурадгорлар, Андрей Разин бошлиқ арматурачилар бригадалари ва меҳнат мусобақасининг бошқа илғорлари яхши намуна кўрсатмоқдалар.

Бешта энергоблокни муддатидан илгари ишга туширишни мўлжаллаб, станциядаги машина-ускуналарни жадал ўзлаштирмоқдамиз. Бу эса сирдарёликларга станция ишга туширилган пайтдан буён планда мўлжалланганидан анча кўп — сал кам 22 миллиард киловатт-соат электроэнергия ишлаб чиқариш имконини берди.

КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорларидан, СССР Конституцияси лойиҳасидан илҳомланган Сирдарё ГРЭСи қурувчилари ва энергетиклари коллективи ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб юборди. **(Қарсаклар).**

Депутат Ч. АЛМАТОВ нутқи

ҚУМҚЎРҒОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Қумқўрғон район меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорларини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Шу Пленумда СССР Конституциясининг лойиҳаси асосан маъқулланди. Меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган докладида баён этилган қондалар ва хулосаларни қизғин қўллаб-қувватладилар. Бу ғоят муҳим ҳужжатлар меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини тағин ҳам кўпроқ ошириб юборди, социалистик мусобақа янада кенг қулоч ёзди.

Район деҳқонлари бошоқли дон экинлари тайёрлаш ва давлатга топшириш планини муддатидан илгари бажардилар, топшириқдан ташқари ғалла сотишни давом эттирмоқдалар. Маккажўхорикорлар ҳар гектар ердан 100 центнер дон йиғиштириб олишдан иборат юбилей йили мажбуриятини шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Колхоз ва совхозлар ярим йиллик пландан ташқари гўшт, сут, жун, қоракўл тери топширмоқдалар. СССР Конституцияси лойиҳасидан, КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларидан илҳомланган район сабзавотчилари бу йил икки йиллик планни бажариш мажбуриятини олдилар.

Район меҳнаткашлари ўзлари эришган бутун ютуқ ва муваффақиятларини совет кишиларининг фаровонлигини ошириш соҳасида Коммунистик партиянинг доно фаолияти билан боғламоқдалар.

Райондаги коллективлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Совет давлатининг бошлиғи лавозимига сайланганлиги тўғрисидаги хабарни қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Меҳнаткашлар Леонид Ильич коммунистик қурилиш назарияси ва практикасига, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган жуда катта ҳисса ҳақида зўр саммият билан гапирмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Депутат С. Р. МУРОДОВ нутқи

БУХОРО ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси — Коммунистик партиямиз донолигининг яна бир ифодасики, партия Ленининнинг ҳамма муҳим ишларда халқ билан маслаҳатлашиб олишдан иборат ажойиб анъанасига ҳамиша амал қилиб келди.

КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленуми қарорлари, мамлакатимиз Асосий Қонунининг умумхалқ муҳокамаси, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик кўриш барча совет кишилари сингари Бухоро области меҳнаткашларининг ижодий куч-ғайрат ва илҳомларини ғоятда жўш урдириб, ўничи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун социалистик мусобақага янги бир қудрат берди. Саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми юзасидан беш ойлик план муваффақиятли бажарилди. Қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари пахтадан ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш, чорвачиликни ривожлантириш учун қаттиқ кураш олиб бормоқдалар.

Лойиҳани муҳокама қилиш чоғида ишчилар, колхозчилар, мутахассислар халқ хўжалигига раҳбарликни такомиллаштириш, мавжуд резервлардан тўла фойдаланиш борасида конкрет таклифлар киритяптилар. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари шуларга қараб тегишли чоралар кўряптилар.

Янги Конституция лойиҳаси мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг дўстлиги буэилмас ва жипслик ғоялари билан йўғрилган. Улуғ ленинча халқлар дўстлигининг натижаларини кун сайин кўриб, сезиб турибмиз. Бухоро областида барча қардош республикаларнинг актив иштироки билан саноатнинг газ ва химия, тўқимачилик, энергетика, нефть каби муҳим-муҳим соҳалари барпо этилди ва улар ривожланиб бормоқда. Областнинг қишлоқ хўжалиги ҳам барча қардош республикалардан бебаҳо ёрдам олиб турибди. Кейинги ўн йилнинг ўзидагина қишлоқ хўжалик машиналари паркига 15.300 трактор, 3.700 пахта териш машинаси, 12 минг юк автомобили қўшилди.

Бухоро областининг меҳнаткашлари халқлар ленинча дўстлиқини хормай-толмай мустаҳкамлашни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб биладилар. Улар мамлакатнинг марказий районларига газ, пахта, қоракўл юборишдан иборат интернационал бурчларини муваффақиятли бажаришга интилмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Депутат В. Х. НАСРИДДИНОВ нутқи

ПАХТАКОР РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Конституция лойиҳасининг улуғворлиги ва жуда катта тарихий аҳамияти КПСС Марказий Комитети Бош секретари, Конституция комиссияси раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумида қилган ёрқин, сермазмун докладида ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Бу докладда мамлакатимиз ҳозир амалдаги Асосий Қонун қабул қилингандан кейинги қирқ йил мобайнида босиб ўтган жуда катта йўл аниқ ва лўнда ифодаланган. Ленин ғоялари ва Конституция тузилиши принципларининг давомийлиги кўрсатилган, СССР Конституцияси лойиҳасига киритилаётган янги қондалар далиллар билан чуқур асослаб берилган.

Ҳозирги вақтда мамлакатда кенг муҳокама қилинаётган ана шу ғоят муҳим ҳужжатларда совет халқининг фаровонлигини янада ошириш партия билан давлат фаолиятидаги асосий масала эканлиги яна бир карра алоҳида таъкидлаб ўтилади. Мирзачўлдаги ва Жиззах даштидаги қўриқ ерларни ўзлаштириш совет кишиларининг бахт-саодати тўғрисида партиямиз қилаётган доимий ғамхўрлигининг яққол далилидир. Қўриқ ўлка бепоён Ватанимизнинг ҳамма томонидан даштни ўзлаштириш учун келган минг-минглаб ташаббускорларга қадрдон бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда бизнинг районимизнинг ўзидагина қиқдан кўпроқ миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил оилада бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқдалар. Бир вақтлар ҳувиллаб ётган ерларда ҳозир 30 мингдан кўпроқ киши яшамоқда, шаҳар типидаги совхозларнинг бешта марказий қўрғони қурилди, Пахтакор шаҳри юксалиб, гўзаллашиб бормоқда.

Биз ана шу ғамхўрликка жавобан жонажон Коммунистик партия тевирагида янада маҳкамроқ жипслашиш билан, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун, КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли равишда рўёбга чиқариш учун астойдил кураш олиб бориш билан жавоб берамиз. **(Қарсаклар).**

Депутат В. Г. ДУХАНИН нутқи

«ТУЯМУЮНГИДРОСТРОЙ» ҚУРИЛИШИ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган шу шонли кунларда совет кишилари СССР янги Конституциясининг лойиҳасини руҳланиб, ишчанлик билан муҳокама қиляптилар. Митинглар, йиғилишлар, суҳбатларда меҳнаткашлар Ленин партияси Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленуми қарорларини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, янги Асосий Қонунимиз лойиҳасини қизғин маъқуллаётганлиги ва ўзларининг ишларини ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида ривожлантириш учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган Тўлмўйин гидроузели қурилмоқда. Гидроузел қуриб битказилгач, ерлар сувга сероб бўлади, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида, Туркманистон ССРнинг Тошовуз областида қўшимча юз минг гектарлаб янги ерларни ўзлаштириш имконияти пайдо бўлади.

Барча совет халқи сингари гидроузел қурувчилари ҳам Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги тўғрисидаги хабарни баланд руҳ билан кутиб олдилар. Жамиятимиз ҳаётидаги бу муҳим воқеа Советларнинг роли ошганлигини кўрсатувчи яна бир ёрқин далилдир. Коммунистик партия раҳбарлигида меҳнаткашлар депутатлари Советларининг фаолияти муттасил такомиллашиб боришига шубҳа йўқ. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ IV СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат Ҳ. ПЎЛАТОВА доклади

Депутат ўртоқлар!

Яқиндагина тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини тамомлади. Маълумки, бу сессияда Совет давлати ва халқи ҳаётида тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим масалалар муҳокама этилди.

Бу сессияда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланиши кўп миллатли Ватанимиз барча халқлари иродасини ўзида ифодалаб, Коммунистик партия ва Совет давлатининг олий манфаатларига жавоб беради, барча совет кишиларида янги ижодий куч ва ғайрат уйғотади, бутун кучни Совет давлати бахт-саодати учун, коммунизмнинг тантанаси учун сарфлаш истагини вужудга келтиради.

Сессиядан кейин бўлиб ўтган СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида сўзлаган нутқида ўртоқ Леонид Ильич Брежнев СССР янги Конституцияси лойиҳасига катта эътибор берди. Леонид Ильичнинг қонунчилик ишларимизни янада кенгайтириш, қабул қилинаётган қонунларни оғишмай бажариш тўғрисида зўр ғамхўрлик кўрсатиш тўғрисидаги сўзлари Ўзбекистон ССР Олий Совети, унинг Доимий комиссиялари ва Олий Совет Президиуми учун программ қоида бўлиб қолади.

Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси билан ҳозирги сессияси ўртасидаги давр мобайнида республика Олий Совети Президиуми бир қатор Фармонлар қабул қилдики, бу Фармонлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ республикамиз Олий Совети тасдигига киритилмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1977 йил 10 январда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг иттифоқ-республика Балиқчилик хўжалиги давлат комитетини тузиш тўғрисида Фармон қабул қилди.

Республикада мебель ва ёғочсозлик саноатини янада ривожлантириш, бу саноат тармоғига давлат раҳбарлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1977 йил 10 июнда Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигини тузиш тўғрисида Фармон қабул қилди.

Мазкур Фармонларни тасдиқлаш Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составини белгилаб берувчи 48-моддасига ва Ўзбекистон ССР-нинг иттифоқ-республика министрликлари рўйхати санаб кўрсатилган 50-моддасига тегишли қўшимчалар киритишни тақозо этади.

СССР Олий Совети Президиумининг «Корхона, муассаса ва ташкилотга етказилган зарар учун ишчи ва хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1976 йил 13 июль ҳамда «Меҳнат тўғрисидаги қонунларни ва меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳақида»ги 1976 йил 13 октябрь Фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1977 йил 5 мартда «Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

Бу Фармонга биноан мазкур Кодекснинг «Ишчи ва хизматчилар корхонага, муассасага, ташкилотга етказган зарари учун улар зиммасига моддий жавобгарлик юкланган ҳолдаги гарантиялар» деб номланган саккизинчи боби янги таҳрирда баён қилинди. Кодекснинг меҳнат қонунларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш масалаларини тартибга солувчи 293-моддасининг биринчи банди ҳам янги таҳрирда баён этилди.

Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексининг янги киритилган ана шу нормалари социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилгандир.

СССР Олий Совети Президиуми 1977 йил 8 февралда «ССР Иттифоқининг жиноят қонунларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» ҳамда 1977 йил 15 февралда «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят қонунлари Асосларини 391-модда билан тўлдириш тўғрисида» Фармонлар қабул қилган эди.

Ана шуларнинг ҳаммаси республикамиз жиноят қонунларига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритишни талаб қилар эдики, шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1977 йил 31 мартда «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармондаги нормалар ССР Иттифоқининг юқорида баён қилинган қонунларидаги қоидаларга тамомила асосланган бўлиб, шу қонунлардан келиб чиқади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1977 йил 5 мартда «Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилган эди.

СССР Олий Совети Президиумининг юқорида кўрсатилган Фармонларига ҳамда «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят-судлов ишларини юргизиш Асосларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 1977 йил 8 февралда қабул қилган Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1977 йил 31 мартда «Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

СССР Олий Совети Президиуми 1977 йил 8 февралда қабул қилган ўз Фармони билан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ахлоқ тузатиш-меҳнат қонунлари Асосларига қўшимча ва ўзгартишлар киритди. Ана шу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1977 йил 31 мартда «Ўзбекистон ССР Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йил 5 мартда «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Давлат ёки жамоат мулкини оз миқдорда талон-торож қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартишлар киритиш ҳақида Фармон чиқариб қабул қилди. Бу Фармонга кўра, айбдорга маъмурий жавобгарлик билан бирга мулкни талон-торож қилганлик учун моддий жавобгарлик ҳам белгилаб қўйилди.

Олий Совет Президиуми 5 март куни «Ўзбекистон ССР Гражданлик-процессуал кодексининг 349-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармонга кўра, айбдорга ишни кассация тартибида кўрган Тошкент шаҳар суди гражданлик ишлари бўйича судлов коллегияси чиқарган ажрим устидан протест билдириш ҳуқуқи берилди.

Республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиб, халқ хўжалигига раҳбарликни янада кучайтириш ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1977 йил 23 мартда «Ўзбекистон ССР составида янги районлар тузиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармонга кўра, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1977 йил 2 февралдаги Фармонлари билан ўртоқ Тўлаган **Набиев** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб бориш бош бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинланди, ўртоқ Георгий Минасович **Саркисов** эса бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб бориш бош бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод этилди.

1977 йил 10 декабрда қабул қилинган Фармонлар билан ўртоқ Султон Мамадалиевич **Маҳмудов** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинланди, ўртоқ Георгий Иванович **Зайко** эса пенсияга чиққанлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод этилди.

1977 йил 10 январдаги Фармон билан ўртоқ Солижон **Мамарасулов** Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинланди. Ўша куни ўртоқ Гайк Аветисович **Габриельянц**ни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисида Фармон қабул қилинди.

1977 йил 27 январда Олий Совет Президиуми ўртоқ Исмоил Ҳакимович **Жўрабеков**ни Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри қилиб тайинлаш тўғрисида Фармон қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1977 йил 2 февралдаги Фармонлари билан ўртоқ Тўлаган **Набиев** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб бориш бош бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинланди, ўртоқ Георгий Минасович **Саркисов** эса бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб бориш бош бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод этилди.

1977 йил 4 февралда Олий Совет Президиуми ўртоқ Қаюм **Муртазоев**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Меҳнат бўйича давлат комитети Раиси қилиб тайинлади ва ўртоқ Ёқуб Турғунович **Зокиров**ни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан бу вазифадан озод қилди.

1977 йил 22 февралдаги Фармон билан ўртоқ Абдураҳим **Маҳмудов** Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Балиқчилик хўжалиги давлат комитети Раиси қилиб тайинланди.

Ўзбекистон ССР Олий Суди составида ҳам ўзгаришлар бўлди. Ўртоқ Сотволди Эшматович **Ботиралиев** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан шу йил 21 июнда республика Олий Судининг аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлашни сўрайди.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ИТТИФОҚ-РЕСПУБЛИКА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ, «ЎЗБЕКИСТОН ССР ИТТИФОҚ-РЕСПУБЛИКА МЕБЕЛЬ ВА ЁҒОЧСОЗЛИК САНОАТИ МИНИСТРЛИГИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИНГ 18 ВА 50-МОДДАЛАРИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг:

«Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг иттифоқ-республика Балиқчилик хўжалиги давлат комитетини тузиш тўғрисида»ги 1977 йил 10 январь Фармони ҳамда

«Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигини тузиш тўғрисида»ги 1977 йил 10 июнь Фармони тасдиқлансин.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 48 ва 50-моддаларига тегишли қўшимчалар киритилиб, бу моддалар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«48-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан қуйидаги составда тузилади:

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари;

Ўзбекистон ССР министрлари;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат план комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қурилиш ишлари давлат комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Меҳнат бўйича давлат комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўрмон хўжалиги давлат комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Балиқчилик хўжалиги давлат комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Профессионал-техника таълими давлат комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Нархлар давлат комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Узсельхозтехника» Ўзбекистон бирлашмасининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Колхозларда қурилиш ишлари олиб борувчи давлат-кооператив бирлашмасининг Раиси;

Ўзбекистон ССР министрлар Совети «Узплодоовощвинпром» хўжалик ҳисобидаги аграр-саноат бирлашмасининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Материал-техника таъминоти бош бошқармасининг бошлиғи;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Газлаштириш бош бошқармасининг бошлиғи;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб борувчи бош бошқармасининг бошлиғи;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Статистика бошқармасининг бошлиғи.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси лавозими бўйича Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига киради».

«50-модда. Ўзбекистон ССРнинг қуйидаги министрликлари иттифоқ-республика министрликларидир:

Алоқа министрлиги;

Бинокорлик материаллари саноати министрлиги;

Геология министрлиги;

Гўшт ва сут саноати министрлиги;

Енгил саноат министрлиги;

Ички ишлар министрлиги;

Маданият министрлиги;

Маориф министрлиги;

Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги;

Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги;

Молия министрлиги;

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги;

Мудофаа министрлиги;

Озиқ-овқат саноати министрлиги;

Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги;

Пахта тозалаш саноати министрлиги;

Савдо министрлиги;

Соғлиқни сақлаш министрлиги;

Тайёрлаш министрлиги;

Ташқи ишлар министрлиги;

Энергетика ва электрлаштириш министрлиги;

Юстиция министрлиги;

Қишлоқ хўжалиги министрлиги;

Қишлоқ қурилиши министрлиги;

Қурилиш министрлиги».

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1977 йил 22 июнь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ГРАЖДАНЛИК-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ 349-МОДДАСИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Гражданлик-процессуал кодексининг 349-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги 1977 йил 5 март Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1977 йил 22 июнь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат қонунлари кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1977 йил 5 март Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1977 йил 22 июнь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 1977 йил 31 март Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1977 йил 22 июнь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАНДИ ВА ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинланди, ўртоқ Георгий Иванович **Зайко**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1976 йил 10 декабрь Фармони;

ўртоқ Султон Мамадалиевич **Маҳмудов**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1976 йил 10 декабрь Фармони;

ўртоқ Гайк Аветисович **Габриельянц**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1977 йил 10 январь Фармони;

ўртоқ Солижон **Мамарасулов**ни Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри вазифасидан озод қилиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1977 йил 10 январь Фармони;

ўртоқ Исмоил Ҳакимович **Жўрабеков**ни Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1977 йил 27 январь Фармони;

ўртоқ Георгий Минасович **Саркисов**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб бориш бош бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1977 йил 2 февраль Фармони;

ўртоқ Ёқуб Турғунович **Зокиров**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Меҳнат бўйича давлат комитетининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1977 йил 4 февраль Фармони;

ўртоқ Қаюм **Муртазоев**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Меҳнат бўйича давлат комитетининг раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1977 йил 4 февраль Фармони;

ўртоқ Абдураҳим **Маҳмудов**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Балиқчилик хўжалиги давлат комитетининг раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1977 йил 22 февраль Фармони.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1977 йил 22 июнь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАНДИ ВА ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинланди, ўртоқ Георгий Иванович **Зайко**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1976 йил 9 декабрь Фармони;

ўртоқ Михаил Дмитриевич **Мухортов**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1976 йил 9 декабрь Фармони;

ўртоқ Георгий Иванович **Зайко**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1977 йил 2 февраль Фармони;

ўртоқ Ёқуб Турғунович **Зокиров**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Меҳнат бўйича давлат комитетининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1977 йил 4 февраль Фармони;

ўртоқ Қаюм **Муртазоев**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Меҳнат бўйича давлат комитетининг раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1977 йил 4 февраль Фармони;

ўртоқ Абдураҳим **Маҳмудов**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Балиқчилик хўжалиги давлат комитетининг раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1977 йил 22 февраль Фармони.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1977 йил 22 июнь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎРТОҚ С. Э. БОТИРАЛИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ АЪЗОСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўртоқ **С. Э. Ботиралиев**ни Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисида»ги 1977 йил 21 июнь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1977 йил 22 июнь, Тошкент шаҳри.

Реклама ва эълонлар

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 Гимнастика. 10.30 — **«Қувноқ воқеалар»** (бадиий фильм). 11.55 — «Электро-77». 12.25 — Фильм-концерт. 15.50 — Ҳужжатли фильм. 16.15 — Фан оламида. 16.45 — **«Олтин»** (бадиий фильм). 18.30 — «Объектив». 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Расмларда қўёш акси бор. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.30 — Увертюралар. 21.00 — Бизнинг биография. 1951 йил. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Концерт. 23.30 — Ҳужжатли фильм. 00.20 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — **«Ханжар»** (бадиий фильм, 3-серия). 12.40 — Абитуриентлар учун кўрсатув. 13.30 — Ўйлаб топ?. 13.40 — Ҳужжатли фильм. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — «Бизнинг бош мухбиримиздан». 19.15 — **Ота-оналар университети.** 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — Оламга саёҳат. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — **Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган Қорақалпоғистон АССР санъат усталарининг концерти.** 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Чорвачилик — барқарор фронт. 22.45 — Концертнинг давоми.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Математика. 20.05 — Реклама. 20.25 — **Янгиликлар.** 20.40 — Химия.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 Лирик концерт. 9.30 — Оммавий қўшиқлар. 11.15 — Ёз — дам олиш учун қулай пайт. 11.30 — Скрипка ва оркестр ижроси учун ёзилган концерт. 12.10 — «Узбекистан индустриальний». 13.00 — Чорвадорлар юбилей йили майдонларини бажариш учун курашмоқдалар. 13.30 — Жаҳон халқларининг куйлари. 14.00—Аҳолига ҳам сифатли, ҳам мўл сабзавот етказиб берайлик. 16.10 — Ишлар учун музыкали соат. 19.00 — Саломатлик — туман бойлик. 19.20—«Юность Узбекистана». 20.25 — Ватан ҳақида қўшиқлар. 21.00 —Танбур ва сато тароналари. 22.00 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 —Нурли 60 одим. Ш. Рашидов. «Бўроидан кучли» романи асосида радиопостановка.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ҚАТТА ТЕАТРИДА — 24/VI да **Аида,** 25/VI да **Испан миниатюралари,** 26/VI да **Этиқ кийган мушук** (12.00). **Бир актли балетлар** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/VI да **Йиллар ўтиб,** 25/VI да **Гулбаҳор қани?,** 26/VI да **Ҳижрон,** 27/VI да **Хотинимнинг эри.**

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ўрта осиё медицина педиатрия институти 1977—1978 ўқув йили учун

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ИНСТИТУТ ПЕДИАТР-ВРАЧЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати — 6 йил, сўнг бир йил интернатура ўтилади.

ИНСТИТУТГА КИРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРИЛАДИ: физика, химия, биология (оғзаки), **рус тили ва адабиёти ёки ўзбек тили ва адабиёти** (ишшо).

Ариза институт ректори номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширилади: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), иш ёки ўқиш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчасининг иш жойидан тасдиқланган кўчирмаси (ишловчилар учун), 286-формадаги медицина справкаси, бош кийимсиз тушилган 3х4 см. катталиндаги 4 дона фотосурат.

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

ИНСТИТУТГА ҲУЖЖАТЛАР 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Институт адреси: 700140, Тошкент шаҳар, Чермет кўчаси, 103-уй (4, 19, 41, 62-автобуслар нинг, «Микрорайон» бекати).

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЛОС-АНЖЕЛЕСДА

ЛОС-АНЖЕЛЕС, 23 июнь. (ТАСС). Бирodарлашган шаҳарлар — Сиэтл билан Тошкент ўртасида дўстона муносабатлар мустаҳкамланмоқда ва ривожланмоқда. Совет жамоатчилиги делегацияси составида Сиэтлга келган Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг ректори профессор В. М. Мажидов шаҳар мэри В. Алмен билан учрашди. У «СССР — АҚШ» жамият Тошкент бўлими номидан Сиэтл шаҳрига ўзбек халқининг маданияти ва эришган муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилувчи грампластинкалар, фотосуратлар, китобларни тухфа қилиб топширди.

«КОСМОС-920» ПАРВОЗДА

1977 йил 22 июнда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос—920» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш ҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аҳолига доридармон билан хизмат кўрсатиш соҳасида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун қуйидаги ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходимиҳ фахрий унвони берди.

Орипов Абдулла — Жиззах область ижроия комитети аптекалар бошқармасининг бошлиғи.

Қосимов Зокир Қосимович— Тошкент шаҳридаги 254-аптека мудири.

Содиқов Бувахўжа Умарҳўжаевич — Тошкент шаҳридаги 1147-аптека мудири.

Ҳайдаров Баҳром — Жиззах областининг Фориш районидаги 127-марказий аптека мудири.

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правленияси президиуми жамият правленияси раисининг биринчи ўринбосари Г. Пўлатовга онаси

Шаҳзодахон ИСОҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Гулистон» журнали редколлегияси ва редакция коллективи журналнинг бўлим мудири М. Хидировга отаси

Хидир ИМОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Р — 09063 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 145.